

**Корхоналар ва ташкилотлар  
фаолиятининг умумий  
таърифи**  
(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2017 йилнинг 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 20844 тани ташкил қилиб, шундан 19613 таси ёки 94,0 фоизи фаолият кўрсатмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо 5485 та (26,3 фоизи), саноат 3625 (17,4 фоизи), қурилиш 1628 та (7,8 фоизи) ҳамда қишлоқ ва ўрмон хўжалиги 1534 та (7,3 фоизи) соҳаларига тўғри келади.


2017 йилнинг 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича қуйидагича тақсимланади:

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	бирлик	яқунга нисбатан фоизда	бирлик	яқунга нисбатан фоизда
<b>Жами</b>	<b>20844</b>	<b>100,0</b>	<b>19613</b>	<b>100,0</b>
шу жумладан:				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1534	7,4	1448	7,4
саноат	3625	17,4	3512	17,9
қурилиш	1628	7,8	1463	7,5
савдо	5485	26,3	4941	25,2
ташиш ва сақлаш	695	3,3	665	3,4
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	846	4,1	781	4,0
ахборот ва алоқа	337	1,6	319	1,6
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	637	3,1	624	3,2
бошқа фаолият турлари	6057	29,0	5860	29,8

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 83,0 фоизи нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 32,6 фоизи хусусий корхоналар, 0,5 фоизи чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 0,2 фоизи акциядорлик жамиятлари, 66,9 фоизи бошқа корхоналар улушига тўғри келди.

Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар-юридик шахслар мулкчилик шакллари бўйича қуйидагича тақсимланади:

1 апрель ҳолатига,  
умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида



2017 йил январь-мартда жами 903 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари – 884 та). Уларнинг асосий қисми Уларнинг асосий қисми Наманган шаҳри (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 40,6 фоизи), Тўрақўрғон (7,5 фоиз), Чуст (7,4 фоиз), Мингбулоқ (6,9 фоизи), Уйчи (6,1 фоизи), Норин (5,5 фоизи) Наманган (5,4 фоиздан) ва Чортоқ (5,3 фоиздан) туманларига тўғри келади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 30,2 фоизи саноат, 26,7 фоизи савдо ва 5,3 фоизи қурилиш соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 309 та корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 74 таси (жами фаолияти тугатилганларнинг 23,9 фоизи) ихтиёрий тугатилиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

2017 йил январь-март ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳамда аҳоли бандлиги бўйича давлат ва нодавлат секторларининг нисбати қуйидагича ифодаланади:

